

**Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосини
такомиллаштириш муаммолари**

Маълумки, қонунга итоаткор ҳар бир фуқаро, айниқса, ҳозирги ўтиш даври шароитида жиноят қонунчилиги жазо тизимида ўлим жазосини сақлаб қолиш-жамият хавфсизлигини таъминловчи муҳим воситалардан бири деб билади. Лекин, шафқатсизлик ўзи билан шафқатсизликни келтириб чиқаради. Бу ўз ўрнида олий қадрият ҳисобланган инсон ҳаётининг ижтимоий қийматига таъсир кўрсатади.

Хўш, фуқароларимиз онгида – “жиноятни содир этаётган шахс ўлимга ҳукм қилиниши мумкин деган таҳлика билан жиноятдан қайтади”- деган фикрда ёки “жиноят қонунчилиги жазо тизимида ўлим жазосининг қолдирилиши жамиятда жиноятчилик динамикаси ўсишини жиловлаб турувчи муҳим восита ҳисобланадику» - деган қарашларда қанчалик асос бор? Мазкур масалага икки йўналишда ёндашиш мумкин.

Криминологик тадқиқот натижаларига кўра, 70% ҳолатда ўлим жазосига лойиқ жиноятни содир этувчилар жиноятни содир этиш олдида ўлим ҳақида ўйламайди ва жазодан қутилиб қолиш умидида бўлади. Шунингдек, ўлим жазоси тарздаги жавобгарлик назарда тутилган жиноятлар одатда, тўсатдан кучли кўзғалиш таъсирида ва вазиятдан келиб чиқиб содир этилади.

Статистик маълумотларига кўра, биргина Канада давлатида 1976 йилги қонун билан ўлим жазоси бекор қилинган, 20 йил ичида қотиллик жинояти 27% га камайган бир пайтда, ўлимга ҳукм қилиш бўйича жаҳонда етакчи ўринга эга бўлган АҚШ, Хитой ва Нигерия мамлакатларида эса жиноятчилик даражаси ҳали ҳам ўсмоқда (албатта аҳоли сони ва иқтисодий ривожланиш даражаси ҳисобга олинган ҳолда).

Демак, ҳозирги ривожланиш тараққиёт шароитида жаҳон мамлакатларида, шу жумладан, республикаимиз жиноят қонунчилиги жазо тизимида ўлим жазосини бекор қилиш ва унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони жорий қилиш миллий ҳуқуқий тизим олдида турган устувор вазифалардан бири ҳисобланиб, ушбу масаланинг ҳал этилиши куйидаги аҳамиятли жиҳатлари билан ажралиб туради.

Биринчидан, ўлим жазосини бекор қилиниши ва унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазонинг жорий қилиниши Ўзбекистоннинг инсон ҳаёти, шаъни, кадр-қиммати, демократик йўл тарафдори эканлигини исботловчи восита ҳисобланади.

Иккинчидан, ўлим жазосини бекор қилиниши ва унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазонинг жорий қилиниши суд йўл қўйган хатони тўғрилаш имкониятини беради ва бу билан мамлакатимиздаги инсонпарварлик сиёсатига яққол намоён бўлади.

Учинчидан, ўлим жазосининг бекор қилиниши ва унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазонинг жорий қилиниши мамлакатимизнинг Европа ҳамжамятига кириб бориши ва халқаро нуфузини оширишдаги муҳим элемент ҳисобланади.

Фикримизча, мазкур ҳолатлардан келиб чиқиб, республикамиз жиноят қонунчилиги жазо тизимида умрбод озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо жорий қилинадиган бўлса, мазкур жазонинг хорижда ижро этилишини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимият шу муносабат билан қабул қилинадиган қонунда бунга катта эътибор қаратиши лозим.

Шу ўринда савол туғилади, умрбод озодликдан маҳрум этиладиган шахслар умрининг охиригача турмада сақланадими? Уларнинг ҳуқуқий мақоми қандай? Уларнинг сақлаш шароитлари ва тартиби қанақа бўлади? Мазкур саволлар юзасидан хорижда қуйидагича ҳолатни кузатиш мумкин.

Швецияда умрбод ҳукм қилинганлар қамоқхона маъмуриятига ўзининг озод этилишини сўраб мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Маҳкумнинг мурожаатномасини Швеция Адлия вазирлиги ва шу вазирликка қарашли бўлган турмалар бошқармаси томонидан ўрганилиб, агар маҳкум ҳақида ижобий хулосага келинса, унга қўлланилган умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосини номаълум муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилади ва бундай ўзгартириш 5 йиллик назоратдан сўнг маҳкумнинг муддатидан олдин озодликка чиқиши учун асос бўлади.

Канадада умрбод озодликдан маҳрум этилган ҳар бир шахс озод бўлиши ҳуқуқига эга. Канада қонунчилигига кўра, агар шахс оғирлиги бўйича биринчи даражали жиноятларни содир этса, жазонинг 25 йилини тўлиқ ўтагандан сўнг, агар шахс оғирлиги бўйича иккинчи даражали жиноятларни содир этса, жазонинг 10 йилдан 25 йилгача бўлган муддатини ўтагандан сўнг жазодан озод этилишини сўраб мурожаат қилиши мумкин. Умрбод ҳукм қилинган 18 ёшга тўлмаган шахслар эса жазонинг 5 йилдан 10 йилгача бўлган муддатини ўтаганидан сўнг шартли озод этилиши мумкин.

Қисқача қилиб айтганда, Канадада умрбод ҳукм қилинган ҳар бир шахс муддатидан илгари озод этилиши мумкин. Лекин улар умрининг охиригача назоратда бўлади. Агар шахс мазкур назоратдан чиқиб кетса, яъни янгитдан ҳуқуқбузарликни содир этса, у турмага жазони ўташни давом эттириши учун қайтарилади.

Буюк Британия тажрибаси диққатга сазовор бўлиб, бу ерда 14 ёшдан бошлаб, қотиллик жиноятини содир этган ҳар бир шахс умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм этилади. Озодликдан маҳрум қилишнинг биринчи 6-12 ойларида маҳкум ўрганилади. Унинг хавфлилик даражаси аниқланиб, у оғир муҳитдан енгилга қараб ўргатиб борилади. Бошқача қилиб айтганда, умрбод ҳукм қилинганлар 5 босқичда жазони ўтайди:

1. Махсус турмалар;
2. Хавфсизлиги юқори даражада таъминланган турмалар;
3. Хавфсизлиги ўрта даражада таъминланган турмалар;
4. Хавфсизлиги паст даражада таъминланган турмалар;
5. Жамиятга қайтарувчи ёки тарбияловчи турмалар.

Маҳкумларни турмаларнинг бир турмадан иккинчисига ўтказиш муддати унинг ижобий кўрсаткичларига боғлиқ бўлади. Мазкур беш босқични ўтаган маҳкум кундузлари сайрга чиқиб, нормал иш фаолияти билан шуғулланади ва кечки пайт турмага қайтади.

Юқоридагиларга асосланиб айтадиган бўлсак, Европанинг қатор мамлакатларида умрбод озодликдан маҳрум қилинганлар фактик равишда умрини охиригача эмас, балки жазонинг 15-20 йилини ўтайдилар. Лекин аҳамиятли жиҳати шундаки, бундай ҳукм қилинган шахслар ўртасида такрорий жиноят содир этиш даражаси 1% дан ҳам кам.

Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси ҳақида сўз борар экан, хорижий мамлакатлар жиноят ижроия қонунчилигида маҳкумларнинг ҳуқуқий мақоми ифодаланишига эътибор қаратсак:

Белоруссия ЖИКнинг 172-моддасига кўра, умрбод озодликдан маҳрум этилганлар бир-биридан ажратилган ҳолда алоҳида камераларда сақланади. Бевосита статистикага мурожаат қиладиган бўлсак, биргина Германиянинг Бадень ўлкасида жойлашган, маҳкумлар алоҳида сақланадиган Брухзал турмасида 500 та камера мавжуд бўлиб, бир ойда битта маҳкумга давлат бюджетида 2400 евро, 500 маҳкумга эса 1.2 млн евро миқдорида маблағ сарфланар экан.

Фикримизча, агар қабул қилинадиган қонунда маҳкумларнинг яқка тартибда сақлаш белгиланадиган бўлса, қонун чиқарувчи ҳокимият масаланинг давлат бюджети билан боғлиқ жиҳатига эътибор қаратиб, маҳкумларни жамият ва давлат учун фойдали ишга жалб қилишни қонунда назарда тутиши лозим.

Белоруссия ЖИК 173-моддасига биноан, умрбод ҳукм қилинганларнинг ҳуқуқлари жумласига агар улар меҳнатда ўзини кўрсатиб, ижобий кўрсаткичларга эга бўлса, қатор қўшимча ҳуқуқлар қўшиб берилиши мумкин. Республикамиз ЖИКга киритиладиган ўзгартиришларда мазкур тажрибалар инобатга олинса мақсадга мувофиқ бўлади ўйлаймиз.

Хулоса қилиб айганда, хорижий мамлакатлар жиноий ҳуқуқий тизимдаги ижобий жиҳатларни ўрганиш миллий қонунчиликда умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосини жорий этишда муҳим бўлиб, у цивилизациялашган фуқаролик жамиятини қуришда шахс ҳаёти, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари алоҳида ижтимоий маънавий қимматга эгаллигини кўрсатиб туради. Энг муҳими, мазкур ҳолат Ўзбекистоннинг жаҳон афкор оммасига тараққиётнинг демократик йўли тарафдори эканлигини исботлаб беради.